



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий

Тадқиқот университети” филиали

ижрочи директори

Х.С.Далиев

2025 й.

ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР АМАЛ ҚИЛАДИГАН ИЧКИ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР

1. Талабаларнинг талабалар турар жойига жойлашиши ордер орқали амалга оширилади, ордер Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директорнинг биринчи ўринбосари ва Талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ рухсати билан берилади.

2. Турар жойига талабанинг кириши ва чиқиши рухсатнома асосида амалга оширилади.

3. Турар жойида яшовчиларга ёзги вақтда кеч соат 22.00 ва қишки вақтда (кун қисқаришларини ҳисобга олган ҳолда) кеч соат 21.00 гача турар жойига киришига рухсат берилади. Дарсдан бўш вақтларда турли ташкилотларда ишлайдиган, турли тадбирларда иштирок этадиган яшовчиларнинг рўйхати турар жойи раҳбари (мудир) ва Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи томонидан тузилади ва тасдиқлаб қўйилади. Ушбу шахсларга истисно тариқасида турар жойига тасдиқланган руйхат асосида кўрсатилган вақтлардан кеч қолмасдан кириб-чиқишга рухсат берилиши мумкин.

4. Турар жойи қоровули, ходимлар, педагог-тарбиячи (тарбиячи) ва яшовчилар турар жойи атроф ҳудудларида шубҳали кишилар ва буюмларни кўриб ёки сезиб қолганларида, зудлик билан ички ишлар органлари ёки тегишли ташкилотлар ҳамда университет раҳбариятига хабар беришлари лозим.

5. Турар жойи қоровули ташқи ва ички телефон тармоғи билан таъминланиши шарт. Унинг столида тез ёрдам, ички ишлар органлари, ёнғин хавфсизлиги, электр, газ тармоқлари, ҳокимият, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, филиал ижрочи директори, филиал ижрочи директори, директор ўринбосарлари, декан, турар жойи раҳбари (мудир)нинг иш, уй ва мобиль телефон рақамлари бўлиши шарт.

6. Талаба яшаш даврида зарурат туғилса, белгиланган тартибда талабалар турар жойининг бир хонасидан иккинчи хонасига кўчиб ўтиши мумкин.

7. Талабалар турар жойида яшовчилар шахсий мулкдан фойдаланиши махсус қайд этиш қоғози орқали амалга оширилади ва уларни эҳтиётлаш фойдаланишга олган шахс зиммасига юклатилади.

8. Талабалар навбатчилик жадвалига биноан хоналарда, қават ва кириш жойларига навбатчилик қиладилар, дам олиш жойларида намунали тозаликни таъминлайдилар.

9. Электр асбобларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қиладилар.

10. Талабалар турар жойидан узоқ муддатга кетаётиб (дам олишга амалиётга) талабалар уйи маъмуриятини икки кун олдин ёзма равишда огохлантириб қўйишлари керак.

11. Кундалик эhtiёжга эга бўлмаган катта хажмдаги шахсий ва қимматбаҳо буюмларни талабалар турар жойининг буюмлар сақлаш хонасига топширишлари керак. Буюм сақлаш хонасига топширилмаган буюмлар учун талабалар турар жойи маъмурияти жавобгар бўлмайди.

12. Талаба яшаб турган хонаси ва бошқа умумий фойдаланиш жойларини ҳар доим тоза ва тартибли тутиши лозим.

13. Хамхоналар ва талабалар турар жойида яшовчилар билан доимо самимий ахил муносабатда бўлиш керак.

14. Талабалардан турар жойи ва хонадаги мавжуд ҳамма жихозларни (шифонер, кроват, тумбочка, стол, стул ва х.к.) намунали даражада тутиш талаб этилади.

15. Умумий фойдаланиш жойларига ўрнатилган ёритгичлар, электр плиталарини бузмаслик, ювиниш хонаси, ошхона ҳамда маънавият ва маърифат хоналаридан тўғри фойдаланиш лозим.

16. Талабалар турар жойида спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлар (сигарет), гиёхванд ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш, сотиш, ҳар қандай кимор ўйинларини ўйнаш, диний тадбирлар, намозхоналар ташкил этиш тақиқланади.

17. Электр плиталаридан тўғри ҳамда тежамли фойдаланиш, қўлбола электр иситгич асбобларидан мутлақо фойдаланмаслик лозим.

18. Талабалар турар жойида ўтказиладиган хашарларда, теварак-атрофларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида мунтазам равишда қатнашишлари лозим.

19. Ўқишни битирган талабалар икки ҳафта ичида яшаб турган хоналарини бўшатишлари керак.